

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 ноябрь куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари, БМТ Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ижрочи директори Гада Валини қабул қилди.



Учрашувда глобал ва минтақавий хавфсизликка таҳдид солаётган замонавий хавф ва хатарларга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлиқнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон ва БМТнинг ушбу ихтисослаштирилган бўлинимаси ўртасидаги амалий ҳамкорлик юксак даражага кўтарилгани ва самарали тус олгани мамнуният билан қайд этилди. Мамлакатимизда 1995 йилдан буён бошқарманинг Марказий Осиёдаги

ваколатхонаси фаолият юритмокда. Унинг фаол иштирокида кейинги бир неча йилда амалдаги минтақавий дастур доирасида умумий қиймати 24 миллион долларлик молиявий-техник кўмак лойиҳалари бажарилди ва амалга оширилмокда. Гада Валининг ташрифи доирасида Марказий Осиё мамлакатлари учун 2022 — 2025 йилларга мўлжалланган янги минтақавий ҳамкорлик дастури қабул қилинди, ушбу дастурда бешта

устувор йўналишда 90 миллион долларлик тадбир ва лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Бундан ташқари, шу кунларда Самарқанд шаҳрида Ёшларнинг гиёҳванд моддаларга қарши минтақавий тармоғи ишга туширилади ҳамда Бухоро шаҳрида Одам савдосига қарши кураш бўйича халқаро конференция ўтказилди. Учрашувда наркотикларнинг ноқонуний айланмаси, уюшган жиноятчи-

лик ва халқаро терроризмга қарши курашиш соҳасида коррупцияга қарши курашиш мақсадида электрон платформа жорий қилиш ва бошқа йўналишларда шериклик ва ўзаро мувофиқлашувни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Минтақадаги вазиятга алоҳида эътибор қаратилиб, Афғонистонда гуманитар инқирознинг олдини олиш ва ушбу мамлакатга амалий ёрдам кўрсатиш учун халқаро

ҳамжамиятнинг мувофиқлашган, саъй-ҳаракатлари муҳим экани таъкидланди. Мамлакатимизнинг БМТ бошқармаси билан тизимли ва кўп қиррали ҳамкорлигини мустаҳкамлашга доир қўшма “Йўл харитаси”ни тайёрлаш юзасидан келишувга эришилди.

Ў.З.А.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИКДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ УЛУШНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва соҳага бозор механизмларини жорий этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмокда.

Бугунги кунда республикаимизда етиштирилаётган **80 турдан** ортик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дунёнинг **66 та** мамлакатига экспорт қилинмокда. Бунда, мева-сабзавотлар ва дуккакли маҳсулотларнинг экспорт ҳажми **2016 йилдан 2021 йилга** қадар қарийб **2 баробарга** ошган.

Шу билан бирга, пахта ва галладан қисқартирилаётган ер майдонларида богдорчилик, узумчилик, полиз ва сабзавотчилик, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш соҳасида экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экишни кўпайтириш, шунингдек, аҳолининг кенг қатламларини жалб қилиш орқали ушбу ерлардан самарали фойдаланиш тизимини яратиш эвазига тармоқда қўшимча ўсшига эришишда илмий асосланган ёндашув ва ўрганишларни инобатга олиш тақозо этилмокда.

Жумладан, ҳисоб-китобларга кўра **1 гектар** майдонда етиштирилган пахта хом ашёсига нисбатан **узумдан 7 баравар, гилосдан 6 баравар, ёнғокдан 5 баравар** кўп даромад олиш ҳамда ушбу ерларда оилавий тадбиркорлик доирасида кичик интенсив богдорчилик, узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчилик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали **“темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”**да рўйхатда турган эҳтиёжманд оилаларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш бўйича катта имконият мавжуд.

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК – МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ

Тошкент шаҳридаги Анжуманлар саройида 24 ноябрь куни “Янги Ўзбекистон таълими: ислохотлар йўлида муваффақиятли ҳамкорлик” халқаро форуми иш бошлади.

Таълим

Президент таълим муассасалари агентлиги томонидан халқаро ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган анжуман кун тартибидан глобал таълимни ривожлантириш, ўқитиш сифатини янги bosқичга олиб чиқиш, aloқаларни кучайтириш, ўқитувчилар малакасини оши-

риш масалалари ўрин олган. Тадбир аввалида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг халқаро форум иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувоҳидов ўқиб эшиттирди.



Янги ЎЗБЕКИСТОН ФЕНОМЕНИ

Янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Нуктаи назар

Бугунги кунда биз жамиятимиз ҳаётининг барча соҳасида Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегиясига ўтиш жараёнига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу кейинги йилларда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижаси сифатида мутлақо янги Ўзбекистон барпо этилаётган даврдир.

Янги жамият ривожини таъминловчи, жонажон Ватанимиз, халқимиз келажагини белгилловчи ислохотлар янада чуқурлашиб, залварлироқ бўлиб бормокда. Ушбу жараённинг асосий шiori “Янги Ўзбекистон — Учинчи Ренессанс сари” деган эзгу ғояга таянгани асло бежиз эмас.



Сенат кўмитасида ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси мажлиси бўлиб ўтди.

Унда шу йил 28 апрелда қабул қилинган “2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги Президент қарорининг Жиззах вилоятида жорий 9 ойдаги ижроси бўйича ўтказилган ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, вилоятда бу даврда тасдиқланган прогноз кўрсаткичи ижроси юзасидан 10 минг 548 та янги иш ўрни яратилиб, вазифа 113,7 фоиз бажарилган. Жумладан, ҳудудий инвестиция лойиҳала-

рини амалга ошириш ҳисобига 5 минг 616 та, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш орқали 43 та, кичик корхона ва микрофирмалар очиш натижасида 2 минг 972 та иш ўрни яратилган.

Давлат дастури доирасида аҳоли бандлигига кўмаклашиш ва иш берувчиларни рағбатлантириш хизматлари, яъни бўш иш ўринлари ва ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш кўрсаткичи 189 фоизга бажарилиб, 35 минг 201 нафар фуқаро бўш иш ўринларига жойлаштирилган.



Конунчилик палатасида

СУВ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Конунчилик палатасининг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ҳамда Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмиталари ҳамкорлигида ўтказилган йиғилишда Сув хўжалиги вазирлигининг “Қишлоқ хўжалиги ерларига сувни тежайдиган технологияларнинг жорий этилиши ҳолати тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, сўнгги беш йилда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмокда. Мамлакатимизда сув ресурсларини бошқариш ва уларни муҳофаза қилиш борасида мукамал ташкилий-ҳуқуқий асослар шакллантирилиб, соҳага оид Президент Фармон ҳамда қарорлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг ташкил этилиши эса сув ресурсларини бошқарув ти-

зимини мукаммал даражада юритиш имконини бермокда. Вазирлик олдида 2021 йилда сувни тежайдиган технологиялар жорий этиладиган ер майдонларини 5 баробарга кўпайтириш ва 430 минг гектарга етказиш вазифаси қўйилган бўлиб, бу ишларни амалга оширишда сув тежевчи технологиялардан унумли фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми янада кенгайтирилди.



МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 24 ноябрь куни мева-сабзавотчилик ва деҳқон хўжалиқларини ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги кластер тизими асосида ривожлантирилмокда. Пахта-тўқимачилик, галлачилик, мева-сабзавотчилик, узумчилик кластерлари сифат ва даромад жиҳатидан изчил ўсмокда.

Мева-сабзавотчиликда ҳам кўплаб кластерлар ташкил этилган. Лекин натижалар мавжуд салоҳият даражасида эмас. Масалан, бу тармоқда экспорт миқдорини ҳозирги 1 миллиард 200 минг доллардан 5 миллиард долларга кўпайтириш мумкинлиги ҳисоб-китоб қилинган. Жумладан, бугунги кунда Асака, Ангор, Денов, Жомбой, Самарқанд, Олтиарик, Қува, Юқори Чирчик, Янгиқўрғон туманларидаги мева-сабзавотчилик кластерлари 20 — 25 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилмокда.

Йиғилишда шу борадаги имконият ва муаммолар, ҳосилдорлик ва бандликни ошириш чоралари муҳокама қилинди.

— Илгари пахтачиликда фақат хом ашё сотардик. Котиоровка энг яхши бўлган йилда даромад 1 миллиард доллар атрофида бўларди. Мана, ҳозир пахташни ўзимизда қайта ишлаб, 3 миллиард долларга чиқдик. Бу факатгина экспорт кўрсаткичи. Бу соҳада ҳали қанча иш ўрни, ойлик, солиқ бор. Ишни тўғри ташкил этиб, мева-сабзавотчиликда ҳам шундай натижа қилиш мумкин. “Объёмизнинг тағида” имконият турибди, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу боис мева-сабзавотчилик кластерлари, деҳқон хўжалиқлари ва томорқачиликни ривожлантириш, уларни молиялаштириш, агрохизматлар бўлимини кенгайтириш бўйича янги тизим жорий этилиши таъкидланди.

Унга кўра, шу йил 1 декабрдан бошлаб, Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан мева-сабзавот етиштирувчиларни имтиёзли кредитлаш йўлга қўйилади. Бунинг учун кластер, фермер ва банк ўртасида уч томонлама шартнома тузилади. Кредитлар бир йилга, 6 ойлик имтиёзли давр билан, 14 фоиз ставкада ажратилади.

Кластерларга аҳолидан маҳсулот сотиб олишга айланма маблағ учун 12 ойлик “револьвер” кредитлар ҳам берилади. Яъни кластер қанчон зарур бўлса, маблағ олади ва фоизини кредитдан фойдаланган давр учун тўлайди. Ушбу мақсадлар учун жами 2 триллион сўм йўналтирилади.

Кичик интенсив бог, узумзор ва мева-сабзавотчиликни ривожлантириш учун 14 фоизлик имтиёзли ставкада 100 миллион сўмгача гаровсиз кредит берилади. Бунга халқаро молия ташкилотларининг 100 миллион доллар маблағи йўналтирилади.

Яна бир қўллов — экспорт шартномаси бўлган мева-сабзавот ҳосилини хавф-хатардан сугурталаш харажатларининг 50 фоизи бюджетдан қўллаб берилади.

Мутасадди вазирликларга мазкур тизимни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди. Жорий йилнинг 23 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик-

да оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжалиқларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда келгуси йили пахта ва галладан қисқартириладиган 80 минг гектар ер аҳолига деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун берилиши белгиланди.

Бу майдонлар очиқ электрон танлов ўтказиш орқали, 10 сотихдан 1 гектаргача ўлчамда, 10 йил муддатга ижарага берилади.

Давлатимиз раҳбари бунда яратилган иш ўрни ва деҳқончилик тажрибаси асосий меzon бўлишини, эҳтиёжманд аҳолига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Бундай хўжалиқлар учун оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 6 ойлик имтиёзли давр билан 2 йилгача кредит ҳам берилади. Лекин ердан оқилонга фойдаланилмас, ижара шартномаси суд орқали муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

Мутасаддиларга ушбу тартиб асосида ерларни очик танловга чиқариш, кадастр рўйхатидан ўтказиш бўйича топшириқлар берилди. Йиғилишда томорқа хўжалиқларидан самарали фойдаланиш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Ўртимизда аҳоли ихтиёрида 500 минг гектар атрофида томорқа мавжуд. Уларда маҳсулот етиштиришга кўмаклашиш учун келгуси йилда 100 миллион доллар йўналтириш режалаштирилган. Бу маблағ оилавий тадбиркорлик дастури асосида, имтиёзли шартларда берилади.

Томорқа хизмати корхоналарига ҳам 300 миллион сўмгача гаровсиз кредит берилади. Самарали ишлаётган шундай корхоналар негизида томорқа хизмати кластерлари ташкил этилади. Уларда кучатчилик иссиқхонаси, кичик техника парки, совиткичи омборхона, қуритиш, саралаш ва қadoқлаш каби хизматлар жамланади.

Томорқада етиштирилган маҳсулотларни харид қилиш мақсадида ҳар бир туманда кооперациялар ташкил этилиб, уларга субсидия берилади. Экинларни сув билан таъминлаш ҳам долзарб масала. Шу боис сув бориши қийин томорқалар ва фойдаланишдан чиққан майдонларни сугориш харажатларининг бир қисмини бюджетдан қоплаш тартиби 2026 йил 1 январгача узайтириладиган бўлди.

Хонадонда товуқ, қуён ва чорва боқиш — тўқлик, тўқинлик манбаи. Бундай оилада энг зарур кундалик маҳсулотлар доим бўлади. Шу боис йиғилишда хонаки парранда наслчилигини ривожлантириш, ҳар бир туманда ветеринария хизмати ва кичик инкубаторлар ташкил этиш, озуқа етказиб бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Туманларда мева-сабзавот ва узумчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳа офислари ташкил этилиши белгиланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари, тармок ва ҳудуд раҳбарлари сўзга чиқди.

Ў.З.А.

БМТНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ УЧУН ЯНА БИР ДАСТУРИ ИШГА ТУШДИ

Тошкентда 24 ноябрь куни БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиё учун 2022 — 2025 йилларга мўлжалланган дастурини имзолаш ва ишга тушириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирли Абдулазиз Комиллов, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари, БМТ Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ижрочи директори Гада Вали бошқарманинг Марказий Осиёдаги минтақавий вакили

Ашита Миттал, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон ташқи сиёсат идоралари масъуллари, шунингдек, мамлакатимиздаги БМТ бўлинималари, халқаро тузилмалар, асосий шерик ва доно ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИКДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА
ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ УЛУШИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Аҳолининг даромад топишга қаратилган тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолига аграр тармоқда ўз бизнесини ташкил этишга қўмаклашиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда деҳқон хўжалиklarининг улушини ошириш ва қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги паст ҳосилли пахта ва галладан қисқартirilган **200 минг гектар** экин майдонларини 2022-2025 йилларда 1–1.13-иловаларга мувофиқ босқичма-босқич захирага қайтариш;

захирага қайтарилган ер майдонларини деҳқон хўжалиги ташкил этган ҳолда сабзавотчилик, полиз, дуқкакли, мойли экинлар, картошка етиштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш **учун фуқароларга 0,10 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамларда** очик электрон танлов орқали 10 йилга ижарага бериш тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

қишлоқ хўжалиги мақсадлари, шу жумладан, деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаларини ижарага бериш бўйича материалларни тўплаш, қўриб чиқиш, уларни ваколатли органлар ва ташкилотлар билан келишиш **“Е-ІАІА” ахборот тизими** орқали амалга оширилади;

қишлоқ хўжалиги мақсадлари, шу жумладан, деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкалари **“Е-АUKSION” электрон савдо платформасида** очик электрон танлов ўтказиш орқали ижарага берилади, бундан Ер кодексидаги мувофиқ ер участкаларини Вазирлар Маҳкамаси томонидан ижарага бериш ҳоллари мустасно;

деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкаларини очик электрон танлов орқали ижарага беришда ўз томорқсида мева-сабзавотчилик, полиз маҳсулотларини етиштириш ва узумчиликда **яхши натижаларга эришган**, ушбу соҳалардан бирда **таънм мутахассислика** эга бўлган фуқароларга, **“темир дафтар”, “аёллар дафтари”** ва **“ёшлар дафтари”**да рўйхатда турган ахтиёжманд оилаларга алоҳида устуворлик берилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) ва Кадастр агентлиги (Ф.К.Умаров) билан биргаликда:

2021 йил 31 декабрга қадар туманлар (шаҳарлар) ҳисобидаги бўш турган ва захирадаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилишини;

мазкур қарорга 1–1.13-иловаларда кўрсатилган ер майдонлари **тегишли йилдаги ҳосил йиғиб олингандан кейин** туман (шаҳар) ҳокимликларининг захирасига белгиланган тартибда қайтарилиши ва давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилишини;

захирага олинган ер участкаларини давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари туман (шаҳар) ҳокимликлари бююртмасига асосан амалга оширилишини ҳамда туман (шаҳар) маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини;

давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ер майдонларининг 0,10 гектардан 1,0 гектаргача бўлган ҳажмларда лотларга ажратилиб, бир ой ичнда очик электрон танловга қўйилишини; ер тўғрисидаги қонунчилик ва ижара шартномаси талаблари бажарилмаганда, жумладан, ижарага берилган ер участкасидан оқилна фойдаланилмаганда эрга бўлган ҳуқуқ Ер кодекси ва “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонунга асосан бекор қилиниши ҳақида деҳқон хўжаликлари орасида тушунтириш ишлари олиб борилишини таъминласин.

Мазкур топшириқ ижросини ўз вақтида таъминламаган туман (шаҳар) ҳокимлари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарлик тортилиши ҳақида огоҳлантирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда:

Деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаларини ижарага беришнинг маъмурий регламенти;

Юридик шахсларга қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини ижарага беришнинг маъмурий регламенти;

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқласин.

5. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

(Ш.Х.Шерматов) билан биргаликда бир ой мuddатда “Е-ІАІА” ахборот тизимини ишга туширсин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж.Ортиқов) “Е-АUKSION” электрон савдо платформасида очик электрон танловларни ташкил этиш учун зарур техник имкониятларни яратсин.

6. “Е-ІАІА” ахборот тизимига интеграция қилиш орқали идоралараро электрон маълумотлар алмашинуви йўлга қўйиладиган вазирлик ва идоралар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж.Ортиқов) билан биргаликда бир ҳафта мuddатда мазкур қарорга 2-иловада кўрсатилган вазирлик ва идоралар ўртасида тегишли маълумотларни алмашиш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Фаниев, қишлоқ хўжалиги вазيري Ж.А.Ходжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари:

ер участкалари ажратилган деҳқон хўжаликлари томонидан бог ва экинларнинг ўз мuddатида экилиши ва парвариш қилинишига қўмаклашиш бўйича ишлари **манзили ташкил этсин**;

ажратилган ер майдонларининг тупроқ шароити, ер балл бонитети, сув билан таъминланганлик даражаси, ҳудуд аҳолисининг тахрибасидан келиб чиққан ҳолда **“Бир ҳудуд — бир маҳсулот”** тамойили асосида маҳсулот етиштиришга асосий эътибор қаратсин;

ер майдонларидан зарур агротехник тадбирларни бажариш, ўғит ва сув билан таъминлаш, инфратузилма объектларини яратиш учун зарур шарт-шароитларни яратсин;

Усимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (И.К.Эргашев) билан биргаликда ер майдонларида зараркунандалар ҳамда касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида тизимли кузатувларни ташкил этиб, деҳқон хўжаликларига бог ва экинлари ҳимоя қилиш ишларини ўз вақтида бажаришда амалий ёрдам кўрсатсин;

деҳқон хўжаликлари билан агросаноат кластерлари, тайёрлов, қайта ишлаш ва экспорт қилувчи корхоналар (кейинги ўринларда — тадбиркорлик субъектлари) ўртасида кооперация алоқаларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратсин;

деҳқон хўжаликлари ва улар билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектлари ўртасида уруғлик, қўчат, минерал ўғит ва кимёвий воситалар етказиб бериш, зарурий агротехник хизматлар кўрсатиш ишларини ташкил этишда шартномавий муносабатлари ривожлантиришга қўмаклашсин;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишнинг барча босқичларини қамраб олган кичик агрологистика марказлари фаолиятини йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) билан биргаликда Халқаро молия институтларидан жалб қилинган қарзининг **100 миллион АҚШ доллари эквиваленти** миқдоридаги маблағларни тижорат банкларига миллий валютатда 3 йил имтиёзли давр билан 10 йил мuddатга йиллик 10 фоиз ставкада қўйлаштирсин.

Белгилаб қўйилсинки, тижорат банкларига joyлаштирилган маблағлар мазкур қарорга асосан ажратиладиган кредитлар бўйича гаров таъминоти сифатида қабул қилинади.

9. Кредит маблағлари “Хар бир оила — тадбиркор” дастури шартлари асосида тижорат банклари томонидан **деҳқон ва фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи бошка корхоналарга** ер майдонида кичик интенсивс богдорчилик, узумчилик, сабзавотчиликни ривожлантириш, полиз, дуқкакли, мойли экинлар ва картошка етиштириш учун қўйидаги шартларда тақдим этилиши белгилансин:

хар бир лойиҳа миллий валютатда 100 миллион сўмдан ошмаган миқдорда йиллик 14 фоиз ставкада молиялаштирилади;

кредитлар **кичик интенсивс богдорчилик ва узумчиликка** 3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилдан кўп бўлмаган мuddатга, **полиз, дуқкакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчиликка** 6 ойгача имтиёзли давр билан 2 йилгача мuddатга ажратилади;

кредит таъминоти сифатида кредитнинг қайтмаслик хатаридан суғурта қилиш полиси тақдим этилади;

кредитлар деҳқон хўжаликларига янги жорий этилаётган ҳоким ёрдамчилирининг ёзма тавсиясига асосан ажратилади.

10. Белгилансинки, мазкур қарорга асосан **ажратиладиган кредит маблағлари** унинг белгиланган умумий миқдори (100 миллион сўм) доирасида кредит олувчилар томонидан ўз бизнес режалари асосида, шу жумладан:

ижарага олинган ёки ўз эгалигида бўлган ер майдонида мазкур қарор билан белгиланган йўналишдаги лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Агросервис

оператор” ДУК ёки бошка салоҳиятли ихтисослашган ташкилот билан тузилган шартномаларга мувофиқ **“тайёр ҳолда” топшириш** тамойили асосида бажарилган ишларга ҳақ тўлаш учун;

кичик интенсивс богдорчилик, узумчилик, полиз, дуқкакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчиликда **сув тежайдиган технологиялари** жорий қилиш, сифатли қўчатлар, уруғликлар, минерал ўғитлар, кимёвий ва биологик препаратлар, қишлоқ хўжалиги техникалари (экиш сепалклари, ишлов бериш ва йиғиб олиш агрегатлари) харид қилиш учун;

олинган кредитнинг қайтмаслик хатаридан суғурта қилиш бўйича **суғурта мукофоти** тўловини амалга ошириш учун фойдаланилиши мумкин.

11. Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж.Ортиқов) тижорат банкларига “Е-АUKSION” ахборот тизими орқали ижарага берилган ер майдони, танлов ғолибининг лойиҳа бўйича олган мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни текшириш учун техник имкониятлар яратилишини таъминласин.

12. **Деҳқон хўжаликлари учун қисқа мuddатли интенсивс ўқув курсларини ташкил этиш бўйича республика ишчи гуруҳи** (кейинги ўринларда — Республика ишчи гуруҳи) тузилсин ва унинг таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кичик интенсивс богдорчилик, узумчилик, полиз, дуқкакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчилик йўналишларида, шунингдек, очик электрон танловда иштирок этиш бўйича малакали тренер-консультантлари тайёрлаб, улар ёрдамида деҳқон хўжаликлари учун қисқа мuddатли интенсивс ўқув курсларини ташкил этиш Республика ишчи гуруҳининг асосий вазифаси ҳисоблансин.

Республика ишчи гуруҳи (Ж.А.Ходжаев) Богдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан: йилгирма кун мuddатда хар бир ҳудуд учун камида 10 нафардан малакали тренер-консультантлари тайёрлаш бўйича дастур ва уларни танлаб олишга доир талабларни ишлаб чиқсин;

бир ой мuddатда деҳқон хўжаликлари учун **қисқа мuddатли интенсивс ўқув курсларини** ташкил этиш дастурини ишлаб чиқсин ва хар бир туманда режа-график асосида ушбу ўқув курсларининг ташкил этилишини таъминласин;

қишлоқ хўжалигидаги янги илмий ёндашувлар, мавжуд халқаро тахриб ва деҳқон хўжаликларининг фаолиятини ўрганиш натижасида аниқланётган масалаларни инобатга олган ҳолда, уларга яқиндан, шу жумладан, интернет тармоғи орқали **доимий тарзда маслаҳат бериб бориш** тизимини йўлга қўйсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги “Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илгор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК–5200-сон қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этилган узумчиликни ривожлантириш бўйича доимий лойиҳа офислари **Интенсивс богдорчилик, узумчилик ва сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича доимий лойиҳа офислари** (кейинги ўринларда — лойиҳа офислари) деб қайта номлансин.

Белгилансинки:

лойиҳа офисларининг богдорчилик ва сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича фаолияти **Богдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги** томонидан бошқарилади;

хар бир лойиҳа офисига Богдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан богдорчилик ва сабзавотчилик ривожланган давлатлардан малакали мутахассислар жалб қилинади.

Лойиҳа офисларига **қўйидаги қўшимча вазифалар** юклатилсин:

интенсивс усулда, шу жумладан, кластер ва кооперация усулида боллар, сабзавотчилик майдонларини ташкил этиш;

ажратилаётган ер майдонларида ташаббускорлар томонидан интенсивс боллар, сабзавотчилик майдонлари барпо этилишини мониторинг қилиш ҳамда қўчатларни экиш бўйича тавсиялар бериш;

интенсивс боллар барпо этишга яроқли ер участкаларини танлаш, уларнинг очик электрон танловга чиқарилишини ташкил этиш;

интенсивс боллар ва сабзавотчилик майдонларига қўчатлар, минерал ўғитлар етказиб бериш, агрохизматлар кўрсатиш, маҳсулотни сотишни ташкил этишга қўмаклашиш.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бир ой мuddатда мавжуд штатлар доирасида Богдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бўлимларини очиш бўйича қарор лойиҳасини қўйотсин.

14. Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д.Кудбиев), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов) янги жорий этилаётган ҳоким ёрдамчилари билан бирга мазкур қарор доирасида ажратилган ер участкалари, кредит ресурслари ҳисобида доимий ва барқарор да-

ромад манбаига эга бўлган фуқароларга қонунчиликда белгиланган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтишда қўмаклашсин.

15. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) суғурта компаниялари ва тижорат банклари билан биргаликда икки ой мuddатда:

қишлоқ хўжалиги соҳасида халқаро суғурта амалиётидан келиб чиқиб, суғурта ташкилоти томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича кредит қайтмаслик хатарини келтириб чиқарувчи барча иқтисодий тенденциялар, бошқарув ва табиат тасъири билан боглик омиллар қамраб олинishi, ушбу омилларни тўлиқ мониторинг қилиш ҳамда мазкур кредитлар бўйича **суғурта ҳодисаси рўй берганда тижорат банкларининг биринчи талабига мувофиқ** мавжуд қарздорлик (жумладан, ҳосил олинмаган давр учун мавсумий қарздорлик) тўлаб берилишини назарда тутувчи соддалаштирилган тартибни;

мазкур қарор билан белгиланган йўналишларда ажратилган кредитлар бўйича суғурта қопламалари (товонлари) тўланиши натижа-сида уларнинг умумий миқдори суғурта компанияси ўз капиталининг муайян миқдоридан ошган тақдирда, суғурта компаниясининг зарарини Молия вазирлиги томонидан Давлат бюджети маблағлари ва қонунчилик билан таққиланмаган бошка манбалар ҳисобидан қоплаб бериш механизмини жорий этиш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

16. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А.Х.Қўлдошев) билан биргаликда ҳудудларга чиққан ҳолда деҳқон хўжаликларига ажратилаётган ерларга табиий ва техноген офатларнинг ахтимолий таъсирларини аниқлаш ҳамда ушбу таъсирларни юмшатиш юзасидан фавқулодда ҳаракатлар режасини тасдиқласин ҳамда фавқулодда ҳолатларда экинларни ҳимоя қилиш чораларини кўрсин.

17. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л.Ш.Кудратов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев):

ички ва ташқи бозорларни доимий равишда ўрганиб борган ҳолда барқарор талабга эга бўлган маҳсулотларнинг рўйхати ва ҳажми юзасидан маълумотлар базасини шакллантириш, хар ойда аниғлаб бориш ҳамда ушбу маълумотларни оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғидан кенг фойдаланган ҳолда аҳолига мунтазам равишда етказиб бориш;

ҳудудларда деҳқон хўжаликлари томонидан ўзи етиштирган маҳсулотини қайта ишлаш истағида бўлган оилаларга харидордигр маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замонавий мини-технология ва бошка ускуналарнинг тақдимоатларини ўтказиш ва сотиб олишга қўмаклашиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

18. Давлат статистика қўмитаси (Б.А.Бегалов) 2020 йилдан бошлаб “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”да рўйхатда турган ахтиёжманд оилаларга очик электрон танлов асосида ижарага берилган ер участкаларида етиштирилган маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларнинг **расмий статистика ҳисоботларида** тўлиқ ақс еттирилишини таъминласин.

19. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) икки ой мuddатда: очик электрон танлов асосида ажратилган ерларда **амалга ошириладиган лойиҳаларни комплекс мониторинг қилиш**, шу жумладан, ажратилган ер майдонининг ҳолати, зарур агротехник тадбирлар, экинларни ҳимоя қилиш ва ўғитлаш ишларининг ўтказили-ши, маҳаллий ҳокимлик томонидан зарур инфратузилма билан таъминланганлиги, ер балл бонитети, экиладиган маҳсулотнинг униб чиқиши, ҳосилдорлик, табиат омиллари тасъири ва бошка индикаторларга асосан ижарачиларни таснифлаш (“яхши”, “ўрта”, “ёмон”) тартибиди назарда тутган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинлари монитори-рингини юритиш тартиби тўғрисидаги қарор лойиҳасини;

қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

20. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазيري Ж.А.Ходжаев, молия вазири Т.А.Ишметов, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари И.И.Норкулов белги-ласин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош ва-зирнинг ўринбосарлари Ш.М.Фаниев ва Ж.А.Қўчоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси	Ш. МИРЗИЁЕВ
Президенти	
Тошкент шаҳри, 2021 йил 23 ноябрь	

ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

1 Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш истағида бўлган ишсиз, айниқса, “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”га киритилган 1 минг 225 нафар кишига 2 миллиард 400 миллион сўм субсидия ажратилиши ҳисобига уларнинг бандлиги таъминланган.

Йиғилишда ўрганиш ва таҳлиллар давомида Давлат дастурида белгиланган бир қатор топшириқлар ижроси белгиланган мuddатда бажарилмагани айтилди. Масалан, яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 1 минг 917 та иш ўрни яратилган бўлиб, бу прогностининг 56 фоизини ташкил этади, ҳолос.

Қолаверса, касб-ҳунарга ўқитилиб, сертификат олган 4 минг 273 нафар ишсиз фуқаронинг атиги 47 фоизи иш билан таъминланган.

Махсусда фуқоҳама қилинган масала юза-сидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК — МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ

1 Халқаро форумда Массачусетс технологиялар институти J-Well директори Вйжай Кумар, Монхен техника университети фахрий президенти, Янги Ўзбекистон университети фахрий ректори Волфганг Херрман, ЮНЕСКОнинг таълим масалалари бўйича директори ўринбосари Стефания Жанини, “Cambridge Assessment” халқаро таълим ташкилоти бош маслаҳатчиси Стив Кинг, “Times Higher Education” ўқув муассасаси бош тижорат директори Ник Девис сингари қўллаб халқаро миқёсдаги обрўли мутахассислар иштирок этаётгани мазкур анжуманининг юқори нуфузини белгилайди.

Анжуманлар саройи айвонида сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Янги Ўзбекистон университети, Президент мактаблари, Абдулла Қодирий, Мирзо Улуғбек, Абу Али Ибн Сино, Мухаммад Ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактаблар, Ра-

қамли авлод ўқув муассасаларида таълим олаётган ёш ўқувчи-талабалар яратган илмий ишланмалар, иход намуналари кўргазмаси уюштирилди.

Иштирокчилар Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолияти билан танишди.

Форум доирасида Массачусетс техно-логия институти, Туркия Таълим вазирли-ги, Ноттингем Трент, Портсмут универси-тетлари, “Team Coach International” таш-килоти билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Бунинг натижаси ўларок, агентлик ти-зимидаги таълим муассасалари фаолия-тида ҳамкорлиқнинг аниқ йўналишлари белгилаб олинди, таъриба алмашиш жараёнида таълим соҳасидаги мавжуд муаммоларга ечим топish, амалга оши-риляётган ишлар натижадорлигини баҳо-лаш имкони пайдо бўлади.

Тадбир иштирокчиларининг Янги Ўзбе-кистон университетининг йўналишлари, мақсад ва вазифалари, масканда яратил-ган шароитлар билан яқиндан танишишга етуқ хорижий ва маҳаллий профессорлар, олимлар, малакали ўқитувчи ва ходимлар-ни, шунингдек, хорижий талабаларни уни-верситетга жалб қилишга ёрдам беради.

Қолаверса, бу халқаро майдонда Ўзе-бекистонинг ижобий имижини яхшилашга ҳам ҳисса қўшади.

Форумнинг биринчи куннда тақдимот йиғилиши ҳамда юқори мартабали меҳ-монлар иштирокида давра суҳбати таш-кил этилди. Мулоқотларда, жумладан,

глобал таълимдаги мавжуд муаммолар-ти ечими: хориқ тахрибаси ва интегра-ция, замонавий меҳнат бозори талабига мувофиқ таълим беришнинг асосий омиллари, иктидорли ёшлар учун сифат-ли таълим шароити яратиш, таълимга оид глобал миқёсдаги янгиликларни маҳал-

лий шароитда жорий этиш мавзуларида экспертлар чиқиши тингланди.

Анжуманнинг иккинчи куннда Президент таълим муассасалари агентлиги ва Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ў

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ САҲИФАСИ

Ўзбекистон Республикаси барча хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш тарафдори бўлиб, асосий ташқи сиёсий ҳаракатларини қатор устувор вазифаларни амалга оширишга, жумладан, давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ҳамда ролини кенгайтириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига ҳолис ахборот етказишга қаратади.

Фикр

Ўзбекистоннинг ушбу ташқи сиёсий устувор вазифалари барқарор, адолатли, демократик давлат барпо этиш, мамлакатимизнинг ташқи оқиқ-лигини таъминлаш, минтақавий ва кўп томонлама ҳамкорлиқни ривожланти-ришга қаратилган.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг му-ҳим устувор йўналиши, бу — етакчи хо-рийжий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар билан мувозанатли стра-тегик шериклик тизимини шаклланти-ришдир. Бундай ёндашув иқтисодийни модернизация қилиш, барқарорлик ва хавфсизлиқни сақлаш, Марказий Осиёда ҳамкорлик қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш масалаларини самарали ҳал этишни таъминлашга қаратилган.

Олий даражадаги алоқалар самара-сида Ўзбекистон Россия билан муно-сабатларни мутлақо янги даражага олиб чиқди. Россия Федерацияси билан кўп қиррали стратегик шериклик ва итти-фоқчилик муносабатлари изчил ривож-ланмоқда. Бундан аввал имзоланган стратегик шериклик ва иттифоқчилик му-носабатлари тўғрисидаги шартномалар ҳамда Россия Федерацияси ва Ўзе-бкис-тон ўртасидаги стратегик шериклик-



ни чуқурлаштириш тўғрисидаги декла-рация янгича мазмун билан тўлдири-либ, амалиётга татбиқ этилмоқда.

Бу тенденциялар Ўзбекистон Респу-бликаси Президенти Шавкат Мирзиёев-нинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан ушбу мамлакатга уюштирилган ташри-фида ўз аксини топди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Рос-сия муносабатларида чинакам улкан ютуқларга эришилди. Бош вазирлар да-ражасидаги қўшма комиссия ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукумат-лараро комиссия йиғилишлари мунта-зам ўтказилмоқда.

Кейинги тўрт йилда Ўзбекистонда Россия сармояси иштирокидаги корхо-

налар сони икки баробар кўпайиб, қарийб 3 мингтани ташкил этмоқда. Бу-гун юртимиз иқтисодиётида Россиядан жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10 миллиард доллардан ошди ва жадал ўсишда давом этмоқда. Коронавирус пандемияси билан боғлиқ чекловларга қарамасдан, тўққиз ой якунида беш мил-лиардни ташкил этди, йил охирида етти миллиард доллар бўлади. Шунингдек, учта катта тadbир: ҳудудлар, таълим ва медиа форумлари ўтказилди. Хусусан, таълим форуми якунида шериклиқнинг янги йўналишларига доир 35 дан ортиқ битимлар имзоланди.

Аҳамиятли томони, сўнгги уч йил ичи-да Ўзбекистонда Россия олий таълим муассасаларининг қўшимча 11 та янги филиали фаолият юритишни бошлади ва яқинда очилган Пирогов номидаги Россия миллий-тадқиқот тиббиёт универ-ситети филиалини ҳисобга олган ҳолда, ҳозир уларнинг сони 15 тага етди.

Шу ўринда Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи арафасида ўтказилган II Ҳудудлараро ҳамкорлик форуми нати-жаларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Фо-рум якунида саноат, энергетика, транс-порт ва фармацевтика, тўқимачилик ҳамда озиқ-овқат саноатига доир янги битим ва шартномалар имзоланди.

Москвада бўлиб ўтган ушбу II Ҳудуд-лараро ҳамкорлик форуми доирасида 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик комплекс дастури ҳам имзоланди. Ҳўжжат Ўзбекистон Рес-публикаси Бош вазири ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С. Умурузоқов ва Россия Федерацияси иқтисодий ривожланиш вазири М. Решетников томонидан имзоланди.

Дастур иқтисодий ҳамкорликда за-монавий воситалар, жумладан, элек-трон савдо, иқтисодиётни рақамлашти-

риш, энергия ва сувни тежайдиган янги технологиялардан фойдаланиш зарур-лигини ҳисобга олади. Ўз навбатида, ушбу дастур узок муддатли истиқболга қурилган бўлиб, унда кенг қўламли ва-зифалар белгилангани, уларни амалга ошириш ишлари бошлаб юборилгани билан эътиборни тортади.

Шунингдек, янги қўшма инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва мавжуд-ларини амалга оширишни тезлаштириш доирасида Ўзбекистон Республикаси-нинг тўғридан-тўғри инвестициялар жам-гармаси ва Россиянинг инвестициялар жамгармаси ўртасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ҳам катта қизиқиш уй-ғотади. Бу ҳар икки мамлакат идорала-ри ўртасида имзоланган келишувларда кўзда тутилган. Эришилган келишувлар доирасида ахборот ва экспертиза ал-машинуви ҳам кўзда тутилган бўлиб, томонлар ўз эътиборларини икки мам-лакат ҳудудида инвестициявий лойиҳа-ларни амалга оширишга қаратадилар.

Биргаликда умумий қиймати 14 мил-лиард долларлик истиқболли лойиҳалар-ни тайёрлаш ишлари олиб боришмоқ-да. Буларнинг барчаси мамлакатлари-миз ўртасида ақин ришталар ўрнатил-ганидан далолатдир. Биргина шу йил-нинг ўзида 50 дан кўп олий даражадаги ўзаро ташрифлар ташкил этилди. Ўз навбатида, мамлакатимиз парламенти аъзолари ҳудудлараро ҳамкорлик фо-руми натижаларини ижобий баҳолайди. Чунки ҳудудлар ўртасидаги ўзаро ало-қалар манфаатли лойиҳалар мамлакат-ларимизнинг умумий муносабатларига туртки беради.

Икки мамлакат раҳбарлари минтақа-вий хавфсизлик масалалари ва Афғо-нистондаги вазият юзасидан фикр ал-машиб, ташқи сиёсат ва мудофаа идо-ралари ўртасидаги икки томонлама

маслаҳатлашувларни давом эттириш муҳимлигини таъкидлади. Россия томо-ни Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинч-лик жараёнига қўмаклашиш борасидаги муҳим саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.

ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари ўз электорати манфаатларидан келиб чи-қиб, иқтисодиётнинг деярли барча тар-моғини қамраб олган ҳолда, савдо-иқти-содий ва инвестициявий ҳамкорлиқни янада кенгайтириш, шунингдек, давлат-ларимиз ўртасидаги стратегик шерик-лик ва иттифоқчиликка асосланган юқори даражадаги икки томонлама муносаба-тларни сақлаб қолиш тарафдори.

Ишонамизки, ҳар икки давлат иқти-содиёти тармоқларида ўзаро ришталар-ни янада кенгайтириш учун катта захи-ралар бор. Шу босис самимий ва дўстона муҳида ўтган ташрифнинг мантиқий на-тижаси Ўзбекистон ва Россия ўртаси-даги стратегик шериклик ва иттифоқ-чилик муносабатларини янада мус-таҳкамлашга интилиш қатъий эканининг тасдиқлангани бўлди.

Муктасар айтганда, Ўзбекистон Рес-публикаси билан Россия Федерацияси ўртасида турли соҳаларда йўлга қўйилган ҳамкорлик кейинги йилларда янги босқичга кўтарилиб, икки томон-лама муносабатлар кенг ўфқлар сари ҳаракатланмоқда. Президентимизнинг Россияга ташрифи жуда самарали бўлди, у ўзаро ишонч, ҳурмат ва ман-фаатдорлик асосидаги шерикликка янги сурбат бахш этади ва истиқболда икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни яна-да кенгайтиради. Зотан, ташриф дои-расида икки томонлама жами 18 та ҳужжат имзолангани шундан далолатдир.

Ақтам ҲАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Спикери ўринбосари.

АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ АМАЛИЁТИ ТУБДАН ЎЗГАРДИ

Мамлакатимизда фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг самарали тизими яратилиб, уларни давлат органлари томонидан қўриб чиқиш амалиёти тубдан ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, Халқ қабулхоналари мазкур тизимнинг марказий бўғинига айланди.

Мушоҳада



Давлат идоралари халққа хизмат қиладиган, уларнинг фаолиятига халқ баҳо берадиган тизим яратилди. Мамлакат ҳаёти-га доир қарорлар, дастурлар халқ билан бевосита мулоқот, одам-ларнинг хоҳиш-истаклари асоси-да қабул қилинаётгани ва барча даражадаги раҳбарлар халқ ол-дида ҳисоб бераётгани ислохот-ларнинг самарали олиб борила-ётганигидан далолат.

Илгари муаммо билан бирор-та раҳбар ҳузурига борган фуқа-ро унинг қабулига кириш учун анча-мунча вақт йўқотарди. Давлат раҳбари таклифи билан барча соҳадаги вазирликлардан тортиб, юқори ташкилотлар раҳбарларининг пастга тушиб, бе-восита халқ билан мулоқот қилиш орқали муаммоларни ҳал этиш тартиби йўлга қўйилди.

Ана шу саъй-ҳаракатлар нати-жасида бугун “Халқ давлат идо-раларига эмас, давлат идорала-ри халқимизга хизмат қилиши ке-рак” деган ғоя давлат бошқаруви органларининг фаолияти мезони-га айланди.

Яқинда Олий Мажлис Сена-ти Суд-ҳуқуқ масалалари ва корруп-цияга қарши курашиш қўмитаси томонидан давлат органлари ва ташкилотларида мурожаатлар бил-лан ишлаш қандай йўлга қўйил-гани таҳлил қилиб чиқилди. Аниқ бўлишича, айрим давлат идо-ралари ҳамда ҳудудларда ҳали-ҳануз бу борадаги ишларни етарли да-ражада, деб бўлмайди. Баъзи жойларда эса ушбу йўналишдаги кўрсаткичлар салбий томонга ўзгарган.

Масалан, келиб тушган муро-жаатлар сони 20 тадан 300 тага-ча бўлган ташкилотлар таҳлилий натижаларига кўра, учта кўрсат-кич самарадорлиги бўйича Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигидан ўтган 8 ойдаги ҳис-батан 10 фоиз камайиб, тизимда мурожаатлар билан ишлаш етар-ли даражада ташкил қилинмаган-лиги аниқланди.

Мурожаатлар 300 тадан 3 минг-тагача бўлган ташкилотларнинг таҳ-лилий натижаларига биноан, сама-радорлик Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказида — 16, Иқтисодий тараққиёт ва кам-бағалликни қисқартириш вазирли-гида — 9, Сув ҳўжалиги вазирлиги тизимида 8 фоиз камайган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига келиб тушган муро-жаатлар таҳлилий шуни кўрсатди-ки, мурожаатлар билан ишлаш са-марадорлиги бир қатор вилоят-ларда 7-8 фоиз пасайган. Аксин-ча, жойларда мурожаатлар ўз вақ-

тида ижобий ҳал этилмаётганли-ги сабабли уларнинг сони кескин ошиб бормоқда.

Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсман) аҳоли мурожаатлари билан иш-лаш ҳолати ҳам ўрганилди. Жо-рий йилнинг 9 ойи давомида Омбудсман номига жисмоний ва юридик шахслардан жами 13 минг 689 та мурожаат келиб тушган. Шундан 7 минг 28 таси Омбудс-ман иш юритувига олинган ва 1 ми-нг 871 таси ҳал этилган, яъни қаноатлантирилган, ҳуқуқий таъунтириш ва тасвия берилган. Тегишлилиги бўйича давлат ҳоки-мияти ва бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотларга 6 минг 473 та мурожаат юборилган ҳамда 188 таси қонун талабига муво-фиқ, аноним деб топилган.

Омбудсман томонидан кири-тилган тақдимномалар ижросини таъминлаш мақсадида вазирлик ва идоралар томонидан жисмо-ний ҳамда юридик шахслар муро-жаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми талабларини бузган 77 нафар ҳодимга нисбатан “хайфсима” ва 9 нафарига “жари-ма” интизомий жазо чораси қўла-нилган ҳамда 7 нафари эғаллаб турган вазифасидан озод қилин-ган. Омбудсман қотибяти ҳо-димларининг сулдарда қузатувчи сифатида иштирок этиши орқали 12 та суд иши юзасидан фуқа-роларнинг ҳуқуқлари тикланган.

Кези келганда давлат раҳбари томонидан Олий Мажлис Сена-тига аҳоли мурожаатларида кўтари-лаётган масалаларни ҳал этиш бўйича вазирлик, идора ва ҳудуд-лар раҳбарларининг ҳисоботини ҳар чоракда, маҳаллий ҳокимлик-лар ҳисоботини эса маҳаллий Кен-гашларда ҳар ойда эшитиб бо-риш амалиётининг жорий этиш ва-зифаси олдимизга қўйилганлиги-ни ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Шундан келиб чиқиб, Сена-тинг бу борадаги фаолиятини ку-чайтириш чоралари қўрилмоқда. Хусусан, мурожаатларда кўтари-лган масала юзасидан сенатор ёки парламент сўровини юбориш ҳамда унинг натижасини Сенат Кенгаши ёхуд Сенатнинг яли мажлисида эшитиш амалиёти йўлга қўйилди. Жорий йилнинг 9 ойи да-вомида жами 8 та парламент сўрови, шундан 7 таси Вазирлар Маҳкамасига ва биттаси Бош прокуратура ҳузуридаги Маж-бурий ижро бюросига юборилган.

Умуман, кейинги йилларда мамлакатимизда мурожаатлар бил-лан ишлаш борасидаги янги ти-зим ташкил этилди ва бу ҳозирги кунга келиб ўз самарасини бера бошлади. Аммо ҳали олдимизда қилиниши зарур бўлган вазифа-лар ҳам кўп. Бу эса биз, сена-торлардан янада фаоллик кўрсатишни, ҳар бир мурожаатга катта масъулият билан ёндашиш-ни талаб этади.

Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Сена-тининг
Суд-ҳуқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши курашиш
қўмитаси раиси.

МУШТАРАК ҒОЯЛАР АТРОФИДА БИРЛАШИШНИНГ МУҲИМ ПЛАТФОРМАСИ

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик даражасига юқори баҳо бериш мумкин. Инвестицион ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик билан бир қаторда таълим соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш учун улкан салоҳият мавжуд. Ушбу салоҳиятни рўёбга чиқариш мақсадида уюштирилаётган учрашувлар, форум ва бошқа тadbирлар ўз натижасини бериб келмоқда.

Акс садо

Бундай форумларнинг бирин-чиси 2018 йилда Тошкент шаҳ-рида ўтказилган бўлса, иккин-чиси жорий йилнинг 16-17 но-ябрь кунлари Москва шаҳрида ташкил этилди. Бундан ташқа-ри, 2019 йилда Астраханда, 2021 йилда Бухорода ўтказил-ган минтақалараро форумлар ҳам кун тартибидagi долзарб масалалар бўйича фикр ал-машиш учун платформа вази-фасини ўтади. Мўҳими, форум-ларда қатнашаётган олий таъ-лим муассасалари сони ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Тadbирлар доирасида олий таъ-лим муассасалари ўртасида ҳамкорлик шартномалари имзо-ланиши ҳам аънаанага айланган. Москва шаҳрида ўтказилган Россия — Ўзбекистон иккинчи таълим форуми ҳам юқори иш-чанлик руҳида ўтди. Форумнинг мамлакатимиз Президентининг Россия Федерациясига ташри-фи арафасида бўлиб ўтганлиги, айниқса, эътиборга молик.

Шу ўринда айтиш керак, бу-гунги кунда юртимизда Россия-нинг 15 та илгор университети филиаллари фаолият кўрсатмоқ-да. Улардаги талабалар сони эса 6 мингдан зиёда ташкил этади. Шунингдек, қўшма бака-лаврият ва магистратура таъ-лим дастурлари доирасида қабул қвотларни 2021/2022 ўқув йили учун 4,5 мингдан ошди. Россия/2023 ўқув йили учун Россия олий таълим муассаса-



ларида Ўзбекистон фуқа-ролари учун ажратиладиган ўринлар сони 750 тага етиб, бу уч йил олдиги кўрсаткичдан 3 баравар кўнди.

Бухоро давлат университети ҳам Россиянинг етакчи олий таъ-лим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнат-ган. Амалдаги ўзаро ҳамкорлик шартномалари сони ўттиздан ортиқ бўлиб, улардан 6 таси ай-нан Россия — Ўзбекистон ик-кинчи таълим форуми доираси-да имзоланди. БўхДУ вакилла-ри Москва шаҳридаги олий таъ-лим муассасалари қаторида Санкт-Петербург шаҳрида жой-лашган етакчи университетлар ҳам бўлиб, ҳамкорлик шарт-номаларини имзолашди, илгор таърибга билан танишди.

Таъкидлаш жоизки, россия-лик ҳамкорларнинг ақсариятини жаҳон академик рейтингларида юқори ўринларда турувчи таъ-лим муассасалари ташкил эта-ди. Хусусан, М. Ломоносов но-мидаги Москва давлат универ-ситети, Санкт-Петербург давлат университети, Қозон федерал университети, Новосибирск дав-лат университети, А. Герцен но-мидаги Россия давлат педаго-гика университети, Урал феде-рал университети, Тюмень дав-лат университети, Дон давлат техника университети, Москва педагогика давлат университе-тини алоҳида санаб ўтиш мақ-сада мувофиқ,

лар, семинарлар, давра суҳба-тлари ташкил этил келинмоқда. Шунингдек, форум доирасида Россия Фанлар академиясининг Моддий маданият институ-ти ҳамда Шарқ бўғимлари инсти-тутлари билан мамлакатимиз тарихига оид илмий ишлар қўла-мини кенгайтиришга келишиб олинди.

Жорий йил давомида россия-лик 10 дан зиёд профессор-ўқитувчилар БўхДУда дарс олиб борган бўлса, Россияда мала-ка оширишда бўлиб қайтган ўқитувчи ва мутахассислар со-нини йил охиригача 40 нафарга етказиш кўзда тутилган. Бугун-ги кунда эса Россия олий таъ-лим дараҳоларида таълим ол-ган, илмий иш ҳимоя қилган 15 нафар профессор-ўқитувчи университетимизда фаолият олиб бораётир. Ўзаро келишувлар доирасида 10 нафардан ортиқ талабалар Россияда магистра-тура босқичида таълим олмақда.

Жаҳонда барча соҳада бўлга-ни каби таълим соҳасида ҳам глобаллашув жараёни кенётир. Бундай вазиятда келажақ учун нихоятда зарур бўладиган мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш, рақамли иқтисодиёт қўламини кенгайтириш, иннов-ация қўламини амалга ошириш-да илгор таърибни қўллаш фой-дадан холи эмас. Россия Фе-дерацияси олий таълим муас-сасалари билан айнан ана шу йўналишларда ўқув ва илмий ҳамкорлиқни қучайтириш бугун-ги кун талабидир. Ўтказилаёт-ган форумлар мамлакатимиз олий таълим муассасалари учун россиялик ҳамкорлар билан муштарак ғоялар атрофида бирлашнинг энг мақбул платформасидир.

Обиджон ҲАМИДОВ,
Бухоро давлат университети
ректори.

Парламент комиссияси

ЁШЛАР ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ТАШАББУСЛАРИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛанади

Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблагларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис палаталарига Мурожаатномаси ҳамда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли салооматлиги-ни мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурида белги-ланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ННТ ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларини давлат ижтимоий буюртмаси ва давлат грантлари шаклида қўллаб-қувватлаш бўйича ўтказилган 4 та танловнинг натижалари қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Парламент комиссияси томо-нидан “Ёшларни маънавий етук қилиб тарбияла-ш ҳамда бандлигини таъминлашда ижтимоий шерик-лиқни қучайтириш” мавзусида 50 та давлат гранти лойиҳасини 2 миллиард сўмга қўллаб-қувватлаш бўйича қарор қабул қилинди. Лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда ёшларни маънавий етук қилиб тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлаш-да ижтимоий шериклиқни қучайтириш, жойларда уюш-маган ёшларни жамиятга интеграция қилишда улар-нинг қизиқиши, хоҳиш-истакларини рўёбга чиқариш, касбга йўналтириш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, учинчи Ренессанс ғоясини ёшлар онгига синдириш, уларда маданий меросга ҳурмат, миллий аънаналарга эътиқод, она Ватанга муҳаббат туйғу-ларини шакллантириш мақсадида “Китобхоналар ви-кторинаси” ва “Амир Темури буюк саркарда, илм-фан ҳомийси” иншоолар танлови, “Аждодлар мероси — маърифат зиёси” номли илмий-амалий анжуман, мил-латлараро тотувлик ва барқарорлиқни таъминлаш, дўстлик ҳамжиҳатлиқни ҳамда тинчлик-тотувлиқни яна-да мустаҳкамлашга қаратилган фестиваллар, форум-лар, танловлар, учрашувлар уюштирилади.

Шунингдек, уюшмаган ва кам таъминланган ёшлар ўртасида кичик бизнес, тadbиркорлик кўникмаларини шакллантириш бўйича маҳорат дарслари ўтлади ва уларнинг қизиқишларига қараб касб эгаллашга ёрдам кўрсатилади.

Тadbирда қайд этилганидек, Ватанимиз мустақил-лигининг 30 йиллиги муносабати билан эълон қилин-ган “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон ашай-лик” ғояси асосида фуқаролик жамияти институтла-рининг маънавий-маърифий ҳамда тарғибот-ташви-қот бўйича 30 та грант лойиҳаси 1,5 миллиард сўмга қўллаб-қувватланди.

Мазкур грант лойиҳалари “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари” ва “темир дафтар”га киритилган фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаёти даражасини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш, аҳолида маънавий ўйғоқлик ҳамда ижтимоий масъуллиқка асосланган янгица дунёқарашни шакллантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, жойлардаги муаммоларни тизимли ҳал қилишда ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назо-рати механизмларини қучайтириш, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ёшлар — келажагимиз”, “Ҳар бир оила — тadbиркор” дастурлари ижросида фуқаролик жамияти институтларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Йиғилишда таъкидланишича, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси масалаларида жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари билан мустаҳкам ҳамкорлиқни таъминлаш ҳамда коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳаларда ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, ОАВни коррупцияга қарши курашиш соҳа-сига кенг жалб этиш мақсадида 4 та давлат ижтимоий буюртмаси 1 миллиард сўмга молиялаштирилди.

Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши демок-ратик ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқи-чида фуқаролик жамияти институтлари бутун тизи-мини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ҳамда сиёсий фаоллигини, ижтимоий шериклик самарасини юксалтириш, жамоатчилик назоратини амалга оши-ришнинг замонавий шаклларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Парламент комиссияси томонидан “Миллатлараро бағрикенглик ва дўстлик муҳитини мустаҳкамлашда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш” мавзусида давлат гранти ажратиш бўйича 6-танлов эълон қилинди. Танловни жорий йилнинг 25 нояб-рда 26 декабрда эълон қилиш белгиланди.

Парламент комиссияси бошқа масалаларни ҳам қўриб чиқди ва тегишли қарорлар қабул қилди.

«Халқ сўзи».

ЭЪЛОН

Инвесторлар ва қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги ПК-4343-сонли қарорига мувофиқ, шунингдек, ички ишлар органлари ҳодимлари ва ҳарбий хизматчилар учун замонавий дизайн ҳамда андозадаги арзон уй-жойлар қуриб бериш ҳисобидан уларни рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 октябрдаги 865-сонли қарори қабул қилинган эди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан ички ишлар органлари ҳодимлари ҳамда ҳарбий хизматчилар учун кўп қават (квартира)ли уйларни тайёр ҳолда топшириш шартлари билан қурилиш бўйича инвесторлар ёки қурилиш ташкилотлари мутасаддилари ҳамкорликка таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Қоровул қўшинлари бош бошқармасига тегишли бўлган Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчасида жойлашган 7534-сонли ҳарбий қисм балансида бўлган қурилиш умумий майдони 4100 м² (0.41 га) бўлган бўш ер.

Юқорида кўрсатилган қурилиш объектларини қуриш бўйича инвесторлар ёки қурилиш ташкилотларидан қуйидаги ҳужжатлар тўплами талаб этилади:

1. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг низоми ва гувоҳномаси.
2. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг фаолияти ҳақида маълумот (5 йилдан ортиқ ишлаган бўлиши керак).
3. Хизмат кўрсатувчи банк томонидан инвестор ёки қурилиш т

Янги Ўзбекистон феномени



Шу муносабат билан, кейинги пайтларда ушбу мавзу баъзи олимлар ва мутахассислар, тарғиботчи ва ташвиқотчилар, масаланинг турли жиҳатларига эътибор қаратаётган ОАВ вакиллари ва ижтимоий тармоқдаги айрим қизиқувчиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Бунда, аввало, мутлақо янги асосда ўтказилган сайловлар орқали ўзлигини янада аққол намоеён этган “Янги Ўзбекистон” тушунчаси нима ни ифодалайди? Уни барпо этишининг энг асосий мезонлари, йўналишлари ва тамойиллари нималардан иборат? Ушбу йўналишда инсоният қандай тажрибалар тўплаган ва улардан фойдаланишда нималарга эътибор қаратиш лозим, деган саволларга жавоб топиш керак.

Айни пайтда бу борада ҳам инсоният тўплаган тажриба, айниқса, ўтган аср ўрталаридаги таназзул ҳолатида бизнинг асримиз арафасида энг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олган айрим Осиё давлатларининг қўлга киритган ютуқларига доир ҳаётий мисолларни ижодий ўрганиш ушбу саволларга жавоб излашда қўл келиши мумкин.

Масалан, Хитойда 1978 йилдан бошлаб “ислохотлар ҳамда очиклик” сиёсатининг жорий қилинганлиги маълум. Унга кўра, ташқи ҳамкорларга нисбатан “очик эшиклар сиёсати” тамойили, иқтисодиётни либераллаштириш, валютанинг эркин конвертацияси ҳамда махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш тараққиётининг тамал тоши бўлган эди. Бу борада айнан ушбу йўналишлар, айниқса, мазкур мамлакатнинг ўзига хос ривожланиш стратегияси ва янгиланган тамойиллари кейинги ўттиз йил давомида Хитойда ялпи ички маҳсулотнинг икки хонали рақамларга ўсишига имкон берди, уни дунёнинг энг қудратли ва бой давлатларидан бирига айлантирди.

Яна бир мисол. Бир неча йил муқаддам бир гуруҳ олимлар ва мутахассислар билан бирга Жанубий Кореяда бўлиб ўтган ва Осиёнинг 50 дан ортқ мамлакатлари вакиллари иштирок этган анжуманда катнашган эдик. Бир ҳафта давомида ушбу мамлакатнинг бир қанча жойларида бўлдиқ, унинг тараққиёт даражаси, халқининг шуқуҳи, юрт қиёфасидан ҳайратга тушдик.

Бизни лол қилган янги Корея бундан 60 йил илгарики юпун, хароб мамлакат эмас эди. Кўз ўнгимизда бизга эски китоблардан маълум бўлган, ўз бошидан кўплаб истилоларни ўтказган, маънавий

эзилган ва халқининг руҳи сўндирилган қолоқ бир давлат эмас, аксинча, XXI асрнинг энг қудратли ва ривожланган давлатларидан бири даражасига етган, ўз миллий гоёсига таянган, фикр эркинлиги ва гоёлар ранг-баранглиги, демократик тамойиллар устувор аҳамият касб этган қудратли мамлакат намоеён бўлган эди.

Биз ҳалигача ўша сафарда иштирок этган ҳамроҳларимиз билан янги Кореяни яратган ислохотчи халқнинг маънавий руҳи, ижтимоий қиёфаси, сиёсий тараққиёт даражаси, иқтисодий ўсиш суръатларини ёдга оламиз. Унинг бир кунда, тасодифан ва ўз-ўзидан оддийгина бунёд бўлмаганига тақдор ва тақдор амин бўламиз.

Ушбу манзарада, яъни янги Кореянинг бунёд бўлиши мисолида юртимизда бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиланишлар билан ахир бй ўхшашлик бор, албатта.

Аслида, XX аср сўнгига келиб, ривожланган давлатлар даражасига етган кўплаб мамлакатлар ана шундай сермашақат ислохотлар ва ўзгаришлар йўлидан борганлар, Япония, Корея Республикаси, Хитой, Сингапур каби янги “дунё мўъжизалари”ни яратганлар. Тўғри, эндиликда уларнинг номига “янги” сўзини қўшиб айтишмайди ва бу шарт ҳам эмас. Чунки у жойларда янгилик бугунги воқеликка айланган, халқнинг маънавий қиёфаси, фаровонлиги ва кундалик ҳаётининг мазмунини ташкил қилди.

Бугун бизнинг мамлакатимизда ҳам ўз умрини яшаб бўлган эски парадигмалар чекиниб, янги давр бошланди, янги воқелик бўй кўрсатмоқда. Улкан имкониятлар, кенг қўламли ислохотлар даври келди. Янги стратегия асосида амалга оширилаётган учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш жараёнининг мамлакатимиз Президентини асарлари ва маърузалари, қарор ва фармонларида ўз аксини топаётган энг муҳим тамойиллари ҳамда амалий ҳаёт мезонлари қўйилганлардан иборат.

аввало, бугун мамлакатда ислохотлар ва янгиланишларнинг кенг қўлама амалга оширилаётганлиги, энг муҳими, рақобатбардош ва ташқи олам учун очик ижтимоий-иқтисодий маконни барпо этиш, мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш каби парадигмаларга асосланадиган янги Ўзбекистонни қуриш гоёси халқимизнинг барча қатлами томонидан кўплаб-қувватланаётгани ва унинг бу гоё атрофда жипслашаётгани;

иккинчидан, янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнининг дастуриламали бўлган,

мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тўлиқ амалга ошириш масъулиятининг бутун халқимиз томонидан чуқур ҳис этилаётгани, ушбу мақсад йўлида аҳолининг барча қатлами, ҳокимиятнинг вакилли ва ижро органлари, фуқаролик институтларининг имкониятлари ишга солинаётгани — жамият қурилиши ва давлат бошқаруви янгиланиб, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган умуминсоний тамойилга амал қилинаётганлиги;

учинчидан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади инсон, унинг ҳаёти, кадр-қиммати, эҳтиёжи ва манфаатларига қаратилганлигини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари том маънода қадриятга айланаётгани, ўзгаришлар ҳамда янгиланишларнинг асл мақсади ва муддаоларини ифодалаётгани;

“**Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси республикамиз ҳаётининг муттасил янгиланишидан иборат узлуксиз рўй бераётган барча ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий ислохотларнинг асосий мақсадини, уларнинг мазмун-моҳиятини белгилловчи умумий мезонлар ва омиллар мажмуини ифодалайди.**”

тўртинчидан, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” тамойили асосида барчанинг мулк ҳуқуқини ҳурмат қилиш, шахс, жамият ва давлат манфаатлари уйғунлиги тамойили жорий этилган қучли фуқаролик жамияти, конституциявий парламент демократияси, эркин бозор иқтисодиётининг мамлакатимиз ва халқимиз равнақининг асосига айланаётгани; бешинчидан, Ўзбекистонни эркин ва бахтли одамлар яшаيدиган қудратли ҳамда салохиятли давлатга айлантириш, замонавий технологияларни жалб этган ҳолда, бутун мамлакат бўйлаб юқори турмуш даражасига эришишга, мамлакатимизни дунёнинг 50 та ривожланган, иқтисодиёти барқарор, инсон капитали юқори бўлган рақобатбардош демократик давлатлари қаторига киришини таъминлашга ҳаракат қилинаётгани;

олтинчидан, дунёнинг кўплаб мамлакатлари “тўртинчи санаот инқилоби” арафасида турган бир пайтда Ўзбекистоннинг рақобатбардошлигини таъминлаш, мамлакатнинг инновацион ривожланиш йўлидан жадал ҳаракатланиши, “билимлар иқтисодиёти”, “рақамли иқтисодиёт”, “эркин ахборот жамияти” ҳамда инсонларвар “ахборот майдони”ни шакллантиришга ҳаракат қилинаётгани;

еттинчидан, ҳаётга янги Ўзбекистонни барпо этаётганларнинг навқирон авлоди — юқори фуқаролик масъулияти ва замонавий дунёқарашга эга бўлган баркамол ёшлар кириб келаётган бугунги кунда уларга муносиб ҳаёт шароитлари, инновацион таълим ва умуминсоний тамойилларга асосланадиган миллий тарбия муҳити ва унинг самарали тизими яратилаётганлиги ва бошқалар.

Буларнинг барчаси янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислохотларнинг қатъият ва собитқадамлик билан амалга оширилаётганини англатади. Бироқ янги Ўзбекистон осонгина бунёд бўлмаслиги, унинг биноси бир кунда тикланиб қолмаслиги аниқ. Инсон манфаатлари устувор бўладиган эркин ва фаровон ҳаёт жўнгина шаклланмаслиги, шубҳасиз.

Президент стратегиясининг фундаментал хулосага асосланган энг асосий ва муҳим фалсафий тамойили қуйидаги фикрда яққол ифодаланган: “Янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир”.



ларни, жамиятимизнинг янги қиёфасига мос замонавий шахсларни тарбиялаб воёга етказишдан иборатдир. Бу жиҳатдан аллома бобомиз Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё наҳот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”, деган сўзлари бугун ҳар қачонгидан-да долзарб аҳамият касб этаётгани, шубҳасиз.

Бу борада миллий таълим-тарбия тизимини шакллантиришда фақат истак, маблағ, вақтнинг ўзи қифоя эмас, балки тарбиячи, ўқитувчи, устоз омилнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш зарур. Агар ушбу омил тўлиқ юзга чиқарилмаса, барча ҳаракат ва ҳаражатлардан самара бўлмайди.

Чунки “дунёдаги энг катта қўлфлар ҳам кичик қалитлар билан очилади ёки ёпилади. Гап ана шу қалитларнинг қайси томонга буралишига боғлиқ”, деган фалсафий фикр бежиз айтилмаган. Аллома Афлотуннинг бундан қарийб икки асрлар минг йил илгари илм ахли, зиёлилар ҳақида айтган ушбу фикри ҳалигача ўз долзарблигини йўқотган эмас.



Жамиятимизнинг ниҳоятда кам сонли қатламларидан бири бўлган зиёлилар ҳам янги Ўзбекистон орзусини амалга оширишда ана шундай улкан аҳамиятга молик вазифаларни бажармоқда.

Кейинги йилларда юртимизда мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, умумий ўрта ва олий таълимни ислоҳ қилиш борасида ташланган сезиларли қадамлар замирида ҳам янги Ўзбекистон орзусини ҳар бир ёш авлод вақилига сингдириш ҳаракати муҳассас, албатта.

Шу мақсадларда мутлақо янги тизим — Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Ёшлар академияси ташкил этилди. Илгит-қизларга олий таълим беришни кенгайтириш учун университет ва институтлар сон кўпайди. Жумладан, етакчи хорижий олий таълим муассасалари филиаллари сони анча ортди.

Айни пайтда тобора шиддат билан глобаллашиб бораётган дунёга хос бугунги мураккаб бир шароитда юксак малакали, иқтидорли ва замонавий фикрлайдиган, янги Ўзбекистон орзусини маънавий оламига чуқур сингдириб олган замонавий авлоднинг тарбиялаш келажагимизни белгилайдиган муҳим масалалардан бирига айланди. Чунки юртимиз келажаги, халқимиз орзу-умидларининг рўйбга чиқиши ҳам бугунги кунда униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз билан боғлиқ.

Айни пайтда биз навқирон авлоднинг онгу тафаккурида янги жамият, янги Ўзбекистон, халқимизнинг янги уйғониш даври тўғрисидаги тушунча ва тамойилларни аниқ-тиниқ шакллантиришимиз зарур.

Президент асарларини тақдор-тақдор ўқир эканман, уларда баён этилган асл мақсадларимиз ёшларимизнинг қалби ва онгига сингдиришимиз лозим бўлган қуйидаги сўзларда ўз ифодасини топишга кучур қилдим: “Эй болам! Янги Ўзбекистон сен учун, сенинг келажагинг учун барпо этилмоқда. Сен ким бўлмоқчисан? Олимми, зиёқорми, ишчи ёки хизматчиси, бой-бадавлат тадбирқорми? Майли, ким бўлсанг ҳам омон бўл, бахтли ва баркамол бўл, етук инсон бўлгин. Фақатгина, янги Ўзбекистон сенки эканини, унинг орзудан ҳақиқатга, имкониятдан воқеликка айланиши сенга ва тендешларинга боғлиқ эканини ҳеч қанон унутма!”

Ҳар бир таълим даргоҳи ва ўқув муассасаси, маънавият масканлари, давлат органлари ва фуқаролик институтлари — барча-барчамизнинг энг асосий вазифамиз униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз-

БАШАРИЯТ ЭЪЗОЗИДАГИ БУЮК СИЙМО

Президентимизнинг 2020 йил 19 октябрдаги “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори асосида Навоий шахрида халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди.

Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги

“Алишер Навоий ижодий меросининг башариёти маънавий-маърифий тараққиётдаги ўрни” мавзусидаги ушбу анжуманда АКШ, Канада, Туркия, Озарбайжон, Россия, Эрон, Қозоғистон, Тожикистон, Мўғулистон, Афғонистон каби давлатлардан таниқли навоийшунос олимлар, тадқиқотчилар қатнашди.

Конференция муносабати билан навоийшунос олим ва тадқиқотчилар томонидан тақдим қилинган икки юздан ортқ янги маъруза ҳамда мақолалар яхлит тўплам шаклида chop этилиб, иштирокчилар ҳуқуқига ҳавола қилинди.

— Ҳазрат Навоийнинг ижоди ва фаолияти тадқиқотчи Европаннинг бир қатор мамлакатларида ўн еттинчи асрлардаёқ киришилган, — дейди конференция масъул қотиби, навоийшунос олими Улўбек Сатторов. — Шоир асарлари Европа халқлари

тиллари таржима қилинган. Ўн тўққизинчи асрнинг 60-йилларида Ўрта Осиёни қадам-қадам кезиб чиққан Арминия Вамберининг ушбу ҳулудда яшаётган кишилар Алишер Навоий ғазаллари ва унинг ҳаётини, фаолиятини ёд билишидан ҳайратга тушганлигини бир эса олайлик. Афсуски, кейинчалик мустабид тузум мафқураси туфайли ҳазрат Навоийдан ироқлашдик. Тадқиқотларнинг аксариятида унинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятига кўпроқ эътибор қаратилди.

Мана, асрлар ўтиб, яна юртимиз навоийшунослик тадқиқотлари марказига айланиб бормоқда. Мисли қўйилмаган илмий изланишлар олиб борилиб, тадқиқот ҳадларида чегаралар олиб ташланди. Зотан, Алишер Навоий асарлари инсон ички олами, маънавий қомиллиги, умумбашарий гоёлар гоёи

гўзал тараннум этилгани боис барча замон ва маконларда қадрлидир.

Конференция иштирокчилари дастлаб улўг ширининг Навоий шахридаги муаззам ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, ғазал мулки султони сиймосига эҳтиром кўрсатди. Шундан сўнг вилоят Маънавият ва маърифат марказида конференциянинг очилиш маросими ҳамда ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Нормат Турсунов анжуман иштирокчиларини кутлаб, мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган мазкур халқаро тадбир буюк бобомиз ижодий меросининг башариёти маънавий-маърифий тараққиётдаги ўрнини таъдик ва тарғиб қилишда катта аҳамият касб этишини таъкидлади.

Конференцияда юртимиз ва хорижий олимларнинг шоир ижоди



каъри дуру гавҳарларга тўла уммон экани, унинг жаҳон адабиётда тутган ўрни беқийсслиги, давлат арбоби сифатида завол билмас фалсафий қарашлари, буюк мутафаккирининг ибратомуз фаолияти юзасидан маърузалари тингланди.

— Ҳазрат Навоий шеърятининг адабий аънавалари Озарбайжон шоирлари учун асрлар давомида илҳом манбаи бўлиб келмоқда, — дейди Олмос Улви. — Чунончи,

XIX асрда яшаб ижод қилган қорабоғлик шоир Абдулла Бек Асий эски ўзбек тилида бир қатор ғазал ва таржибандлар яратган. Шунингдек, XIX аср озарбайжон адабиётининг Шемахи, Ордубада, Дербент каби шаҳарларида яшаб, ижод этган шоирлари адабий меросида ҳам Алишер Навоий шеърятининг улкан таъсирини кузатиш мумкин.

Конференция ўз ишини етти шуъбага бўлинган ҳолда давом эт-

тирди. Уларда “Навоий ижодиёти: гоё ва бадият олами”, “Навоий ижодининг тасаввуфий қатлами ва матншунослик масалалари”, “Навоий ижодиёти: муосир адабиёт ва фольклор”, “Алишер Навоий ва адабий таъсир масалалари”, “Навоий жаҳон шарқшунослиги нигоҳида”, “Алишер Навоий ва замонавий таълим”, “Навоий ижоди ва тилшунослик масалалари” мавзуларида тадқиқотчилар томонидан

тақдим қилинган мақола ва маърузалар муҳокама этилди.

— Алишер Навоий асарлари неча асрлар ўтаски дунё жамоатчилиги эътиборида турибди, — дейди Туркиядаги Эски Чаноққалъа университет ректори Абдурахмон Гўзал. — Бу улардаги бадият ва гоёи заварли маъно-мазмун билан боғлиқ. Жумладан, мутафаккирининг “Маҳбуб ул-қулўб” девони давлатчилик тарихи ва аънаваларини, бошқарувнинг илгор усуллари, ҳукмдор ва халқ муносабатларини ўзда ифода этади. Шу боис ушбу асар Ўрта аср Европа файласуфларида катта қизиқиш уйғотган. Ёки 1496 йилда яратилган “Насойим ул-муҳаббат” девонини олайлик. Унда сўфизмининг 750 нафар шайх ҳақида маълумот берилган. Шуниси билан мазкур девон сўфизм тарихининг нодир манбаси ҳамдир.

Анжуман доирасида ўтган матбуот конференциясида ОАВ вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Конференциянинг ёпилиш маросими бугун шаҳардаги “Фарҳод” маданият саройида бўлиб ўтди. Унда шоир ғазаллари бастанланган қуй ва қўшиқлардан иборат катта концерт дастури намойиш этилади.

Темур ЭШБОЕВ
(“Халқ сўзи”).

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Эткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1148. 28 466 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқуб олиш учун QR-қодишни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзловна 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг отказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли chop этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров.

Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.35 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6